

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Турдиметов Ш., Тошев Ў.
Сирдарё 4 академик лицейи

Узлуксиз таълим тизимида академик лицейларнинг ўзига хос, алоҳида ўрни бор. Ўқувчиларга давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим бериш вазифасини ҳал этади. Академик лицей мажбурий таълимнинг бир йўналиши ҳисобланиб, унда ўқишни ўқувчининг ўзи ота-оналари ва мутахассисларнинг маслаҳатига асосан танлайди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида қуйидагича ёзилган: “Академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (гуманитар, техника, аграр ва бошқа соҳалар) билим савияларини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганишга қаратилган махсус касб-хунар кўникмаларини ўзларида шакллантириш имкониятига эга бўладилар”.¹ Асосий эътибор танланган фан соҳасида чуқур билимларни эгаллашга қаратилган бўлиб олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришга тайёргарлик кўради. Академик лицейдаги таълим-тарбия жараёнининг самарадорлиги битирувчиларнинг олий ўқув юртларига ўқишга кириши билан ўлчанади.

Академик лицейлар ўрта махсус, касб-хунар таълимининг бир йўналиши саналсада, ўқувчиларга касб-хунарга нисбатан кўпроқ фан соҳасидан билим бериш вазифасини муваффақиятли ҳал этишни ўзларининг олдига мақсад қилиб қўйгани амалиётда ўз исботини топмоқда.

Академик лицейларнинг ўқув режалари, фанлар бўйича намунали дастурлар соҳа фанларини тўла ва атрофлича ўрганишга мўлжалланган ҳолда тузилади. Таълим мазмунини ифодаловчи барча меъёрий, илмий ва ўқув-услубий манбаларда ўқувчиларга оптимал билим бериш, баркамол қилиб тарбиялаш учун зарур бўлган маълумотлар мужассамлашган.

Академик лицейларда ўқувчиларнинг истеъдоди, қобилияти, мавжуд бўлган барча имкониятлари рўёбга чиқиши учун керакли шарт-шароитлар яратилган. Энг замонавий ўқув хоналари, фан кабинетлари, таълимнинг техник воситалари, лаборатория, ахборот ресурс марказлари ўқувчиларнинг билим эгаллашларига мослаштирилган.

Таълим-тарбия жараёнини энг юқори даражада ташкил этиши учун биринчи навбатда ўқувчиларнинг касб-хунарни тўғри танлаган бўлишлари зарур. Агар ўқувчи ўзининг қизиқиши, қобилиятига мос бўлган соҳани танлаган бўлса дарсларга тўлиқ қатнайди. Ўқитувчининг берган барча билимларини ўзлаштириб олади. Кўпроқ мустақил ўқишга, ўз устида ишлашга ҳаракат қилади. Дарс тугагандан кейин кабинетларда, лаборатория ва компьютер синфларида, ахборот ресурс марказида мустақил тайёргарлик кўради. Ўқитувчи билан ҳамкорликда тажриба-синов ишлари, кузатиш ва ижодий изланишлар олиб боради. Касб-хунар тўғри танланмаганда дарсга, билим олишга қизиқиши суст бўлади. Дарс қолдириш, ўзлаштирмовчилик ҳоллари содир бўлади. Бундай ўқувчилар тезда аниқланиб қизиқадиган соҳаси академик лицейда бўлмаса касб-хунар коллежларига ўтказиб юборилиши керак. Акс ҳолда бошқа ўқувчиларга ҳалақит бериши, салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Сирдарё 4 академик лицейида ўқувчилар билан касбий лаёқатини аниқлаш мақсадида махсус сўровнома ва тестлар ўтказилиб борилади. Уларнинг натижаси асосида ҳар бир ўқувчи билан синф раҳбари ва психолог суҳбатлашиб чиқади. Ўқувчининг шахсий тайёргарлик кўриш режа-дастури ишлаб чиқилади. Лицейда абитуриент штати ташкил этилган бўлиб, ўқувчи бу ерда ҳам ўзининг иш режасига ўзлаштириш ва тўлдиришлар киритиши мумкин.

1. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараккиятининг пойдевори. Тошкент, Шарқ, 1998, 47 бет.

Лицейда таълим-тарбиянинг самарадорлигини янада орттириш мақсадида кўшимча таълим маркази ташкил этилган. Унда лицей ўқувчилари учун текин (бошқаларга пуллик) репититерлик хизмати кўрсатилади. Академик лицейнинг энг тажрибали ўқувчилари бу машғулотларга жалб этилган.

Академик лицейда “Устоз-шогирд” анъаналари яхши йўлга қўйилган. Ҳар бир ўқитувчига олти-саккиз ўқувчи буйруқ асосида бириктирилган. Устоз шогирдларнинг барча фанлардан муваффақиятли ўқиши, тартиб-интизоми, хулқ-атвори, ижтимоий фаоллигини назорат қилиб боради. Қўлга киритган ютуқларини янада кучайтиришга, йўл қўйган камчиликларини зудлик билан тузатишга кўмаклашади. Устоз ҳам, шогирд ҳам доим бир-бирларининг олдидаги масъулиятларини ҳис этишга ҳаракат қиладилар. Шу ўринда яна бир самарали тажриба амалга оширилаётганини қайд этиш мумкин. Устоз нафақат лицейда, ўқувчининг лицейдан ташқари фаолиятини ҳам кузатиб боради. Ўқувчининг уй шароити билан танишади, ота-оналар билан ҳамкорлик ўрнатади. Ота-оналар фарзандларининг лицейдаги ўқишларидан хабардор бўлиб боради. Имкони бўлган ота-оналар лицейга келиб ўқитувчиларнинг фарзанди ҳақидаги фикрларини билиб олишлари, дарс кузатишлари, педагогик-психологик маслаҳатлар олишлари тўғри йўлга қўйилган.

Сирдарё 4 академик лицейи янги ташкил этилган бўлиб эндиgina иккинчи босқич ўқувчилар таҳсил олмақдалар. Ҳали ўзига хос анъаналари таркиб топган деб бўлмайди. Шундай бўлсада бутун жамоа лицейда таълим-тарбияни давр талабига мос ҳолда амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Энг асосий эътибор ўқувчиларга илм-фаннинг энг сўнги янгиликларини бериб боришга, ўқитувчиларнинг ўз ихтисослик фанларини мукаммал билишлари ва ўқувчиларга етказиб беришга қаратилган. Ўқувчилар ҳар ойда бир марта ўқиётган фанларидан тест назоратларидан ўтказилади. Олган балларига қараб қайси мавзуларни такрорлаш кераклигини, кўшимча тайёргарликни қандай олиб боришни аниқлаб оладилар. Худди шундай, ўқитувчилар ҳам ҳар икки ойда бир марта тест синовларидан ўтадилар. Фақат ўқитувчилар янги ўтадиган мавзулар ва бўлимлар бўйича тест саволларига жавоб топадилар. Тўплаган балларига қараб малака ошириш режалари ойдинлаштирилади. Максимум юз балл тўплаш мумкин бўлган ҳолда етмишдан кам балл олган ўқитувчилар шартли тарзда дарсга қўйилади. Тезлик билан тайёргарлик кўриб қайта тест назоратидан ўтишга рухсат берилади. Агар натижа ўзгармаса ўқув йилининг охирида шартнома бекор қилинади. Шунинг учун ҳар бир ўқитувчи мунтазам ўзининг малакасини ошириб бориши, рейтинг балларининг юқори бўлишига ҳаракат қиладилар.

Академик лицейда ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятига катта аҳамият берилади. Уч нафар фан номзодлари фаолият юритмоқдалар. Яна учта ўқитувчи фан номзодлик диссертация устида илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Бир қанча ўқитувчилар ўқув-услубий қўлланмалар, илмий ва методик рисоалар, кўплаб илмий мақолалар чоп этириб бормоқда. Бу йўналишда Гулистон давлат университетининг кафедралари билан ҳамкорлик шартномаларининг тузилганлиги ижобий натижа кўрсатмоқда. Шартнома асосида ўқитувчиларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш, илмий методик семинар-тренинглар ташкил этиш, очик ва қўرғазмали дарслар ўтиш, “мастер-класс” машғулотлари ўтказиш амалга оширилмоқда. Ўқувчиларни хунар-касбга йўналтириш ишлари ҳам муваффақиятли бажарилмоқда. Университетнинг бир қанча тажрибали профессор-ўқитувчилари академик лицейда ўқувчиларга дарс ўтмоқдалар. Университетнинг битирувчи босқич талабалари академик лицейда педагогик амалиёт ўтадилар. Бу ўқувчиларимизга сўзсиз ижобий таъсир кўрсатди.

Академик лицейда ўқувчиларнинг баркамол шахслар бўлиб улғайишлари учун хилма-хил маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб турилади. Ҳуқуқ-тартибот идоралар ходимлари, фан-маданият арбоблари, тиббиёт ходимлари, давлат арбоблари ва сенаторлар билан учрашувлар ўқувчилар дунёқарашининг бойишига улкан ҳисса қўшгани маълум бўлди. Академик лицейда олиб борилаётган ҳамма ишлар таълим-тарбия жараёнини оптималлаштиришга қаратилган ва бу йўналишда жамоанинг барча аъзолари фидойилик кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар.